

Salomatlikni asrash ko'hna qadriyatlarimizda aks etgan

Хуршид ЖУМАНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон Фанлар академияси  
Тарих институти илмий ходими

Ўзбеклар азалдан соғлиқни сақлаш борасида ўзига хос анъана ва тарбиявий руҳдаги қондаларига эга халқдир. Коронавирус пандемияси жаҳон миқёсида кутку солаётган айти пайтда миллий урф-одат, анъаналаримизнинг аҳамияти бекиёс. Хозир юртимизда аввалдан мавжуд бўлган қўлни кўксига қўйиб саломлашиш, уйга меҳмон келганда қўлга сув қуйиш, жамоат жойларида масофа сақлаш, мева-сабзавотларни кўп истеъмол қилиш каби урфларимизни янада мустаҳкамлаш даври.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, оммавий эпидемиялар, юқумли касалликларни енгишда халқнинг, жамиятнинг бирдамликда тўғри йўлдан оғишмай амал қилиши муҳим саналади. Ўзбекларнинг соғлом турмуш тарзи қондалари шаклланишида динимизнинг поклик, тозалликка доир ўғитлари, Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино каби тиб илми вакилларининг таъсири бекиёс.

## САЛОМАТЛИКНИ АСРАШ КЎҲНА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗДА АКС ЭТГАН

### ЁХУД ЎТМИШ ТАЖРИБАСИ ВА БУГУНГИ СТРАТЕГИЯ ХУСУСИДА

#### ТАРИХ НИМА ДЕЙДИ?

Азалдан халқимиз поклик, тозалликка апоҳида эътибор қаратган, саломатликка зид хатти-ҳаракатлардан тийилиш тарбиянинг бир бўлғи ҳисобланган. Жумладан, тарихимизга оид қадимий манбалардан бири — "Авесто"га кўра, аксарият юқумли касалликлар инсонларнинг тозалликка риоя қилмаслиги, беларволиги натижасида пайдо бўлади. Шу сабабли гигиена қондаларига амал қилиш қатъий белгиланган. Инсонлар бир кунда кзини, қўлни бир неча марта ювиши, барча тана аъзоларини тоза сақлаши шартлиги апоҳида уқтирилган. Шунингдек, шахсий гигиена воситаларини апоҳида сақлаш ва вақти-вақти билан махсус суюқликда тозалаш буюрилган. Уша даврда ақдодларимиз тупроқ, сув, ҳаво ва оловни ифлослантириш охир-оқибатда тузатиб бўлмас касалликларга сабаб бўлишини англаб, ҳатто вафот этган инсон танасини ҳам одамлар яшайдиган жойдан йироққа сақлаган "Авесто"нинг "Вендидод" қисмида замин, ҳона, инсон танаси, кийим-кечак, озик-овқатларни пок-киза тутиш ва сақлаш қоҳида сифатида апоҳида қайд этилган.

Ислоҳ дини қондалари асосида халқимизнинг тозаллик, поклик ва хасталар билан мулоқотига оид одоб-ахлоқ қондалари янада такомиллашди. Ҳадисларда "Вабо бор жойга борманг, сиз яшайтган жойга вабо келса, қочиб кетманг", дейилган бўлса, касалликнинг тарқалиш сабаблари ҳақида тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино бундай юқумли касалликлар одамлар бир-бирига жуда яқин бўлган вазиятда тез ёйилишини ёзиб қолдирган. Яъни уйда қолган одам вабога чап берган. Қўчага чиққанлар эса касалликка тутылган.

Яқин тарихга назар солсак, XIX аср охири — XX аср бошларида мамлакатимиз ҳудудида чечак, вабо, безгак каби юқумли касалликлар тарқалган. Тиббиёт ҳодимлари билан маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакилларининг халқни бирлаштириши ҳамда касалликдан қутулиш йўлларини тарғиб этиши натижасида халқимиз ақдодлардан мерос юксак фазилатларини намоён қилиб, уша синоваларни енгиб ўтган. Жумладан, 1889 йилда Бухорода даҳшатли вабо тарқалиб, халққа кўп талафот атказган. Бунга, асосан, уша гайтдаги ҳукуматнинг аҳоли ўртасида етарли ташвиқот ишларини олиб бормагани ва маҳаллий анъаналар билан ҳисоблашган ҳолда тизимли кураш йўлини ишлаб чиқмагани сабаб бўлган. Аммо 1892 йили ушбу шаҳарда вабо яна қайта бош кўтаоғандан сўнг аҳолини касалликдан сақлашни тартиби билан яқиндан

таништириш натижасида кам талафот кўрилган ва касаллик бартараф этилган.

XX аср бошларида тарқалган безгакни бартараф этиш мақсадида умумхалқ қашари орқали касаллик ўчоғи бўлган яроқсиз эриқ ва ҳовузлар тозаланади, натижада ўлатнинг оммавий тарқалиши тўхтатилади.

Миллий урф-одатларимизга эътибор қаратсақ, халқимиз азалдан сув йўллари, ҳовузларнинг озодалигига апоҳида эътибор бергани ва ҳар йилги умумхалқ қашарларида, аввало, сув йўллари тартибга солинганига туювоқ бўлаёмиз. Шунингдек, аҳолининг озодалликка риоя қилиши, касаллик тарқатуви чиқиндиларни ўз вақтида зарарсизлантириш ишлари маҳалла оқсоқоллари ва жамоатчилик фаоллари томонидан қаттиқ назорат қилинган.

Тошкентдаги "Вабо исёни" номи билан машҳур воқеалар, Самарқандда 1916 йилда тарқалган вабо касаллигини енгишда ҳам халқнинг маҳаллий табиб ва шифокорлар билан бирдамликда ҳаракат қилиши ижобий натижа келтирган. Барча дەرвларда халқнинг бошига оғир синовлар тушганда нечор қолган оилаларга ҳомийлик қилиш, одамларнинг бир-бирига моддий ва маънавий кумак бериши одат тусига кирган.

#### БИРДАМЛИК ҲАР ҚАЧОНГИДАН ЗАРУР

Бугунги кунда мамлакатимизда коронавирис тарқалиши тўла назоратга олинган ҳамда бу касалликни тезроқ ва самарали енгиб ўтиш чора-тадбирлари кўрилоқда. Ўтишда саноқли табиб ва шифокорлар ўз яқинлари ва танишларидан ортмаган ҳолда, касалликка қарши курашган ва шунга яраша натижага эришган бўлса, ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудини касалликка қарши ҳимоя воситалари, дори-дармонлар ва малакали мутахассислар билан таъминлаш давлат даражасидаги долзарб масалага айланган.

Давлақнинг бу борада олиб бораётган илоҳотлари нечор силаларга моддий кумак бериш, пандемия сабаб турғун ҳолатга келган иқтисодий секторлари, жумладан, тадбиркорлик субъектларини тизимли қўллаб-қувватлаш, касалликка қалинган ва карантинга олинганлар учун махсус марказ ва шифохоналар қуриш кабилар иисолида намоён бўлмоқда.

Президентимиз бот-бот таъкидлаганидек, бу хасталиқни енгиб ўтишда халқдан талаб этиладиган биргина вазифа — мавжуд қондаларга амал қилиб уйда ўтириш. Чунки қолган барча чора-тадбирлар ҳукумат томонидан амалга оширилмоқда.

Азиз ватандош, бугун сиз нафақат ўзингиз, оилангиз, яқинларингиз, балки ўттиз турт миллион ватандошимиз, халқимиз келажаги учун даҳлдор инсонга айландингиз. Сизнинг бугун уйда қолишингиз туну кун хизмат қилаётган фидоқор шифокорларимиз, Миллий гвардия, ички ишлар идоралари ҳодимларининг ақалли бир кун, бир соат олдинроқ уйга қайтишига, оиласи, фарзандлари бағрига эртарақ боришига имкон беради.